

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*60310100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)*  
бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент- 2021

ЎЗР ОУМТВ  
Буйруқ № 365  
26.08.2021

### **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети;
- “Агрегат заводи” АЖ.

### **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган

### **ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<i>60310100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи .....</i>	4
1.1.	<i>Қўлланиш соҳаси .....</i>	4
1.1.1.	<i>60310100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланиши.....</i>	4
1.1.2.	<i>Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....</i>	4
1.2.	<i>60310100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.....</i>	4
1.2.1.	<i>60310100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....</i>	4
1.2.2.	<i>60310100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....</i>	5
1.2.3.	<i>60310100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....</i>	5
1.2.4.	<i>60310100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....</i>	5
2.	<i>60310100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг умуммаданий, умумкасбий ва касбий компетенцияларига талаблар.....</i>	8
2.1.	<i>Умумий компетенциялар.....</i>	8
2.2.	<i>Касбий компетенциялар.....</i>	9
	<i>Библиографик маълумотлар.....</i>	11
	<i>Келишув варағи .....</i>	12

## **1. 60310100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи**

**60310100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки, сиртқи ва масофвий таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташқил қилинади. Бакалаврият дастурининг таълим шаклларида кўра ўқишни меъёрий муддатлари кундузги таълимда 4 йил, кечки таълимда 4,5 йил, сиртқи таълимда 5 йил ва масофавий таълимда 5 йил.

### **1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1. 60310100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) Малака талабининг қўлланиши.**

Малака талаби 60310100 – *Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасасининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва ўқув дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим муассасасининг талабалари;

- бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим муассасаларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим муассасаларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. 60310100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.**

**1.2.1. 60310100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.**

**60310100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)** – бакалаврият таълим йўналиши – ижтимоий ва хулқ атворга мансуб соҳасидаги йўналиш бўлиб, у турли мулк шаклларида тегишли, турли тармоқ, соҳаларнинг хўжалик юритувчи субъектлари, молия, кредит ва суғурта муассасалари,

давлат ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари, академик ва тармоқ, илмий тадқиқот муассасалари, таълим муассасаларининг иқтисодий, молия, маркетинг, ишлаб чиқариш - иқтисодий ва таҳлил хизматларини ўз ичига олади, тармоқлар ва соҳалар бўйича тармоқлари ва корхоналарини ривожлантиришга, истиқболни белгилашга, касбий кўникмасига, мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари. методлари ва услубларининг мажмуасини қамраб олади. Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари ва соҳа мутахассисларининг таклиф ва талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

**1.2.2. 60310100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари:**

- хўжалик юритувчи субъектлар;
- иқтисодиётнинг тармоқлар ва соҳалар бўйича, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мажмуалари, ассоциациялар, корпорациялар, концернлар, холдинг, ишлаб чиқариш бирлашмалари;
- фирма ва компаниялар, шунингдек, турли мулк шаклидаги корхоналарни бошқариш, илмий тадқиқот муассасалари ва маҳаллий давлат органларида иқтисодий фаолияти;
- харакатдаги бозорлар, молия ва ахборот оқимлари;
- ишлаб чиқариш жараёнлари;
- қўшма корхоналар, хорижий корхоналар, суғурта ва лизинг компаниялари;
- касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари.

**60310100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврият битирувчилари педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин, профессионал таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш бўйича педагогик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади.** Бакалавриятнинг касб таълими йўналишлари бундан мустасно.

**1.2.3. 60310100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

- молиявий-иқтисодий фаолият;
- ҳисоб, таҳлил ва назорат;
- ташқилий-бошқарув фаолияти;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти;
- илмий – тадқиқот фаолияти;
- ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият.

**1.2.4. 60310100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.**

**60310100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)** таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:

**Корxonанинг молиявий-иқтисодий фаолиятида:**

- тармоқлар ва соҳалар бўйича корxonаларнинг иқтисодий фаолиятини самарали амалга ошириш учун муассасанинг ташқи ва ички мухити омиллари тўғрисидаги маълумотларни тшплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;

- тармоқлар ва соҳалар бўйича корxonаларнинг иқтисодий фаолиятини бўйича қарор қабул қилиш, фаолиятни режалаштириш ва бошқариш учун маълумот тўплаш, муассасанинг ички ахборот тизимини яратиш ва унинг ишлашини ташқил этиш;

- муассасанинг ички хужжат айланиши тизимини ишлаб чиқиш ва бошқариш, муассасалар фаолиятининг турли кўрсаткичлари бўйича маълумотлар базасини юритиш;

- лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш;

- ахборот-таҳлил фаолияти натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш;

- бошқарув қарорларининг самарадорлигини баҳолаш.

**Тадбиркорлик фаолиятида:**

- бизнесни ташқил этиш, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- корxона учун маркетинг сиёсатини ишлаб чиқиш;

- корxonанинг рақобатдошлигини аниқлаш;

- янги бизнес-лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш.

**Корxonанинг ташқилий-бошқарув фаолиятида:**

- ишлаб чиқаришни ташқил этиш ва бошқариш;

- муассаса ва корxonалар фаолиятини стратегик ривожлантиришда замонавий иқтисодий билимларни қўллаш орқали бошқариш;

- хўжалик юритувчи субъектини хўжалик-молиявий ва ишлаб чиқариш фаолияти бўйича истикболли ва жорий режаларни (дастурларини) ишлаб чиқиш;

- бизнес-режани ишлаб чиқиш;

- режа, ҳисоб-китоб хужжатларини юритиш;

- хўжалик юритувчи субъект ва унинг буйруқлари фаолиятини иқтисодий таҳлил ҳамда ҳисоб-китоб қилиш;

- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишларнинг натижаларини баҳолаш;

- касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга тадбиқ этиш, ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;

- корхоналар ташкилий-боқарув фаолиятида қабул қилинадиган қарорларни ижтимоий-иқтисодий самарадорлик мезонлари асосида ишлаб чиқишда ҳамда қарорларни муқобил вариантани танлаб олишни асослашда иштирок этиш;

- меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташқил этиш, янги техника ва технологияларни жорий этиш, таклиф қилинаёган инновацион ва инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш;

### **Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти:**

- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарнинг иқтисодий фаолиятини амалга ошириш бўйича моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан оптимал фойдаланиш бўйича юқори натижаларга эришиш:

- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарнинг иқтисодий, молиявий, ишлаб чиқариш ва тижорат фаолияти лойиҳаларини (бизнес-режаларини) тузиш учун дастлабки маълумотларни тайёрлаш;

- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарнинг илғор техника ва технологияларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган моддий, меҳнат ва молиявий харажатлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналар ва уларнинг бўлинмаларининг иқтисодий фаолияти бўйича иқтисодий таҳлил олиб бориш;

- иқтисодий ахборотлар базасини шакллантириш, юритиш ва сақлаш бўйича ишларни амалга ошириш, маълумотларга ишлов беришда фойдаланиладиган маълумотларга ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш;

- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарни муаммоларини ёки уларнинг индивидуал босқичларини иқтисодий шакллантиришда компьютер технологиялари ёрдамида ҳал қилинишида иштирок этиш;

- иқтисодий маълумотларни қайта ишлашнинг иқтисодий асосланган тизимларини яратишга имкон берадиган тайёр лойиҳалар, алгоритмлар, дастурий пакетлардан фойдаланиш имкониятини аниқлаш;

- замонавий ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

- хўжалик юритувчи субъектларининг иқтисодий фаолиятини оқилона ташқил этишда мамлакатимиз ва илғор хорижий тажрибасини ўрганиш;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

- ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш, фавкулотда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш.

- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарига инвестицияларни жалб қилиш механизмларини қўллаш, инвестицион ва инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва бошқариш.

### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- илмий-тадқиқот институтлари ва марказларда таълим йўналишидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;

- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарда ишлаб чиқариш фаолиятини замонавий иқтисодий механизмларини қўллаш бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;

- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарга тегишли мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқлари, махсус адабиётлар ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш ва тизимлаштириш;

- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналардаги муаммоли мавзулар бўйича иқтисодий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;

- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

- илмий тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

- тадқиқот натижалари ва ишланмаларни татбиқ этиш.

### **Ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолиятида:**

- Ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларида ва техникумларда мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш;

- ўқув фанларини ўқитиш услубиятини эгаллаш;

- ўқув жараёнини ташқил этиш ва ўтказишга кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур ўқув-услубий хужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;

- ўқитилаётган фан бўйича амалий ва лаборатория машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш;

- мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги услублар, воситалар ва шакллар тизимида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириш.

## **2. 60310100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг умуммаданий, умумкасбий ва касбий компетенцияларига талаблар**

### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти



доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташқил қила олиш;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

## **2.2. Касбий компетенциялар:**

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;

- илғор халқаро тажрибалар асосида корхоналарда самарали фаолият юритишнинг замонавий иқтисодий механизмларини жорий этиш орқали ишлаб чиқариш, инвестиция, моддий-техник, молиявий ва бошқарув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш кўникмаларига эга бўлиш;

- бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информатсион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқот қилишни билиш;

- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;

- амалиётда ахборот технологияларининг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва методологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда қўллаш қобилиятларини ўзлаштиришни билиш;

- соҳада халқаро иқтисодий муносабатларни ташкиллаштириш ва уларнинг сифатини баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;

- касбий этика кодексига риоя қилиш кўникмаларига эга бўлиш;

- ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатларни ўрганиш;

- корхона ва муассасаларнинг иқтисодий ходисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, тартибга солиш;

- тармоқ ва соҳа корхоналари иқтисодий фаолиятининг бориши ва натижаларини таҳлил қилиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш;

- тармоқ ва соҳа корхоналари иқтисодий фаолият жараёнини такомиллаштириш;

- тармоқ ва соҳа корхоналари фаолиятини режалаштириш;

- тармоқ ва соҳа корхоналари ходимларининг барча тоифалари учун меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тизимини шакллантириш;

- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхона харажатлари ва даромадларини ва ресурслардан фойдаланишни режалаштириш;

- корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнини назорат қилиш;

- корхона, муассасанинг кадрларга бўлган эҳтиёжини ҳисоблаш;

- корхоналар фаолияти билан боғлиқ бўлган иқтисодий даврий ҳисоботларни, аннотациялар ва шарҳларни тайёрлаш;

- стратегик таҳлил қилиш, рақобатдошликни таъминлашга қаратилган муассаса стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;

- корхона активларини баҳолаш, айланма маблағларни бошқариш, дивиденд сиёсати ва капитал тузилмасини шакллантиришда иқтисодий-молиявий механизмларини асосий усулларини қўллаш билиш;

- лойиҳалар, бизнес-режалар ва шартномаларни шакллантириш ҳамда бошқариш, ижрочилар фаолиятини мувофиқлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;

- макроиқтисодий муҳитни, бозор ва унга хос хатарларни ҳисобга олган ҳолда, корхона рақобат муҳитини таҳлил қилиш ва баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;

- бошқарув қарорларини қабул қилишда, уларни аниқ бошқарув вазибаларига мослаштириш орқали иқтисодий, молиявий ва ташкилий-бошқарув моделларини шакллантиришда миқдорий ва сифатли таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиш;

- бухгалтерия сиёсати ва муассасанинг молиявий ҳисоботларини шакллантиришда молиявий бухгалтерия ҳисобининг асосий принциплари ва стандартларини, бошқарув ҳисоби маълумотлари асосида харажатларни бошқариш ва қарорларни қабул қилиш ўқувига эга бўлиш;

- бизнес жараёнларини моделлаштириш, бизнес юритишнинг иқтисодий ва ижтимоий шароитларини баҳолаш, янги бозор имкониятларини аниқлаш ва янги бизнес моделларини шакллантиришни билиш;

- янги муассасаларни (фаолият йўналишлари маҳсулотлари) яратиш ва ривожлантириш учун бизнес режалаштириш кўникмаларига эга бўлиш.

## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

---

### **Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва ўқув дастурлари, профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври, иқтисодиёт, тармоқлар ва соҳалар, тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналар, индустриал тармоқлари, корхона фаолияти, ишлаб чиқариш технологияси, ишлаб чиқаришни технологик асослари, ишлаб чиқаришни режалаштириш ва лойиҳалаштириш, фойдани максималлаштириш, модернизация, самарадорлик, рақобатбардошлик, корхона активларини баҳолаш, айланма маблағларни бошқариш, дивиденд сиёсати, бошқарув қарорлар, бухгалтерия сиёсати, малака талаблари, бакалавриятнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташқилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Ислом Каримов номидаги  
Тошкент давлат техника университети

Ректор  проф. С.М. Турабджанов

2021 йил « 23 » 08



“Агрегат заводи” АЖ

Директор в.б.  Б.К. Аюбов

2021 йил « 23 » 08



М.Ў.

КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги ҳузуридаги Олий  
таълимни ривожлантириш  
тадқиқотлари ва илғор  
технологияларни татбиқ этиш  
маркази

Ўзбекистон Республикаси Давлат  
статистика қўмитаси  
Б.К. Уринбосари

  
А.А. Икрамов

2021 йил « 24 » 08

М.Ў.

Директор в.б.  М. Эсанов

2021 йил « 24 » 08

М.Ў.


ООО “INVEST KOMPLEKT”  
Бош директор  А.К. Аллаев

2021 йил « 24 » 08  
М.Ў.



АТ “Aloqabank”

Амалиёт бошқармаси  
“Яккасарой” КХКМ

Бошқили  Ж.Рахмонқулов

2021 йил « 24 » 08

М.Ў.

